

Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2020 йил 25 апрель • шанба • № 44 (4329)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Саховатли
инсоннинг бо-
шига жаннат
дарахтлари
соя солади.
Алишер Навоий

ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАР ВИЛОЯТЛАР КЕСИМИДА МАНЗИЛЛИ КЎРИБ ЧИҚИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 24 апрель куни аҳоли бандлигини таъминлаш ва иқтисодий тармоқлари фаолиятини тиклаш масалалари муҳокамасига бағишланган навбатдаги видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Бир ойдан ортиқ давом этаётган карантин шариоити барчага, энг аввало, давлат бошқаруви идоралари раҳбарлари учун синов ва тажриба бўлмоқда. Пандемиянинг аҳоли турмуш тарзига, тадбиркорлар фаолияти ва иқтисодий тармоқларига таъсирини юмшатиш бўйича видеоселектор йиғилишлари ўтказилиб, аниқ вазифалар белгилаб берилмоқда.

22 апрель куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида иқтисодий тармоқларини барқарор ишлатиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалалари Самарқанд ва Наманган вилоятлари мисолида муҳокама қилинган эди. Бу гагли йиғилишида Фарғона ва Қашқадарё вилоятларида шу борада амалга оширилаётган ишлар кўриб чиқилди.

Фарғонада 120 нафар, Қашқадарё вилоятда 6 нафар фуқаро коронавирус билан касалланган.

Карантин даврида Фарғона вилоятда

10 минг, Қашқадарёда 11 мингга корхонанинг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари кескин камайган. Бунинг оқибатида айни пайтда ишсизлар сони ошган. Бундан ташқари, Фарғонада 56 мингга, Қашқадарёда 91 мингга эҳтиёжманд оила мавжуд.

Йиғилишда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ушбу вилоятлар ҳокимларига касаллик юқтириш хавфи юқори, ўрта ва паст даражада бўлган туман ҳамда фаолият турларини таҳлил қилиб, карантин чекловларини босқичма-босқич юмшатиш бўйича Республика махсус комиссиясига таклиф киритиш топшириги берилди.

Жорий йилда қурилиш ва реконструкция ишлари учун Фарғона вилоятидаги 130 та объектга 632 миллиард сўм, Қашқадарё вилоятидаги 132 та объектга 536 миллиард сўм ажратилган. Лекин биринчи чорада маблағларни ўзлаштириш ва лойиҳаларни амалга ошириш режадан анча ортада қолган.

Президентимиз аҳоли бандлигини таъминлаш учун қурилишларни давом эттиришга руҳлат берилганини инобатга олиб, мазкур вилоятлардаги объектларда белгиланган ишларни жадаллаштириш зарурлигини таъкидлади.

Аҳолини озик-овқат маҳсулотлари билан узлуқсиз таъминлаш ва ички бозорда нарх-наво барқарорлигини сақлаш – энг долзарб масала. Бу борадаги катта резервлардан бири эса, боғ ва тоқзорлар қатор ораларидир.

Фарғона вилоятида 34 минг гектар, Қашқадарёда 22 минг гектардан ортиқ майдонда боғ ва тоқзорлар бор. Лекин ҳар йили фақат 20 фоиз қатор ораларига экин экилади, холос.

Шундан келиб чиқиб, ушбу вилоятлар ҳокимларига мавжуд боғ ва тоқзорлар қатор ораларига тўлиқ экин экилишини ташкил қилиш, шу орқали аҳоли бандлигини таъминлаш вазифаси қўйилди.

Фойдаланишдан чиққан ва ламми ерларда қудуқ қазиб, аҳолига бўлиб бериш зарурлиги қайд этилди. Бунинг учун Фарғонага 15 миллиард сўм, Қашқадарёга 11 миллиард сўм ажратилган.

Кам таъминланган оилаларга қорамол, парранда ва асалари уяси тарқатиб, ко-

операция асосида аҳоли бандлигини таъминлаш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш бўйича топшириқлар берилди.

Бу йил сув камлиги сабабли Ўзбекистон, Учкўприк, Ёзёнов, Қўштепа, Миришкор, Нишон, Муборак ва Касби туманларида тақририй экинларни сўғоришда қийинчиликлар бўлиши мумкин. Шу боис, ушбу ҳудудларда сув кам талаб қиладиган, экспортбоп дуккакли экинлар экиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

Ғалладан бўшаган майдонларнинг 50-60 фоизига фермер ўз ишчилари билан экин экиши, қолган қисмини карантин шариоитида вақтинча ишсиз қолган ва кўмакка муҳтож аҳолига бўлиб беришни ташкил этиш вазифаси юклатилди.

Фарғона ва Қашқадарё вилоятлари ҳокимлари карантин қоидаларига амал қилган ҳолда корхоналарни ишга тушириш, аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари юзасидан ҳисобот берди.

Шунингдек, «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати доирасида эҳтиёжманд оилаларга манзилли моддий кўмак бериш борасидаги ишлар, тадбиркорлар илгари сурган ташаббуслар ҳақида қайд этилди.

ЎА

Муносабат

Меҳр ришталари мустаҳкам

Пандемия балоси бир-бирига кўпроқ меҳр-оқибат кўрсатишимиз зарурлигини яна бир бор ёдимизга солди.

Бугунги синовли кунларда Ўзбекистон касаба уюшмалари ташаббуслари ҳам таҳсинга лойиқ. Ҳудудларда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли, қишлоқ аёллари, кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий кўмак кўрсатиш бир зум ҳам тўхтагани йўқ.

Самарқанд вилоятида ҳам бирлашма кенгаши, тармоқ туман, шаҳар кенгашлари, бошлангич касаба уюшма ташкилотлари томонидан эҳтиёжманд оилалар, ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ерданга муҳтож қатламга кўмак кўрсатиб келинмоқда. Фуқароларимиз томонидан «Ишонч телефони»га ва бевосита касаба уюшмаларига қилинаётган муурожаатлар ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ўрганилиб, муаммолар қисқа фурсатларда бартараф этилмоқда.

Бугунги кун шиори: қудратимиз



Сўхроб РАХИМОВ,
Самарқанд вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси, вилоят кенгаши депутати

бирликда. Бирдамликда бу синовли кунлардан ўтиб олмоғимиз зарур. Барчамиз меҳр занжирига ҳалқа бўлишни ўзимиздан, оиламиздан бошласак, ўрнатилган қатъий талабларга риоя қилсак, Президентимизнинг юрт отаси сифатида кўрсатаётган жасоратини, жонкуярлигини қалбан ҳис этиб, шунга монанд ҳаракат қилсак, бу синовларни, албатта, энгиб ўтамиз.

Ташаббусга хайрихоҳмиз



Ли Жей СОНГ,
«Posco International Textile» МЧЖ шаклидаги хорижий корхонасининг Бўхоро филиали директори

Бир неча йилдан бери юртингизда яшаб, меҳнат қилиб, маҳаллий аҳоли билан мулоқотда бўлиб келяпман. Ўзбек халқининг одамлилигига, мамлакатдаги оқилона, адолатли, ин-

сонпарвар сиёсатга қатъий амин бўлган ҳолда «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракатини ушбу халқчил сиёсатнинг галдаги намунаси сифатида қабул қилдим.

Янги ҳаракат, тадбиркорлик субъектлари орқали кўрсатиладиган саховат ва кўмак ҳам тадбиркорлар, ҳам маҳаллий ишбилармонларнинг ифодали, барча эзгуишлар учун замин ҳозирлади.

Давлат раҳбарининг бу борадаги қатъий бариқанинг бирёқадан бош чиқаришга даъват экани билан аҳамиятли. Фаолият бевосита Ўзбекистон билан боғланган биз каби хорижий ишбилармонлар ҳам бу борадаги саъй-ҳаракатларга хайрихоҳмиз. Шу боис, калава ип ишлаб чиқаришга ихтисослашган йирик корхонамиз «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракатини қўллаб-қувватлаб, бу борада ёрдамни аямайди.

«Call-center» фаолияти таҳлили нималарни кўрсатмоқда?

Жорий йилнинг 7 март куни Президент топшириғига асосан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида Хотин-қизлар муаммолари бўйича 1211 қисқа рақамли «Ишонч телефони» («Call-center») иш бошлаган эди. Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Федерация раиси раҳбарлигида тузилган Ишчи гуруҳ томонидан айнан хотин-қизлар ҳаётини изчил ўрганиб, уларни қийнаб келаётган муаммоларни таҳлил қилиш, уларга ечим топиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани эътиборга олинса, ушбу марказнинг Федерацияда ташкил этилгани айни мўддао бўлган эди. Президент топшириғидан сўнг зудлик билан 20 та янги иш ўрни яратилиб, қисқа рақамли «Ишонч телефони» ишга туширилди. Энг муҳими, мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан опа-сингилларимиз ушбу телефон рақамига ўз дардлари билан муурожаат қила бошладилар. Бу ҳам аслида ишонч.

Агар таҳлилларга эътибор берадиган бўлсак, 24 апрелгача жами 7605 та муурожаат келиб тушди. Агар муурожаатлар йўналишлар борасида таҳлил қилинганда, уларнинг:

2263 таси ижтимоий, 1217 таси уй-жой билан боғлиқ, 1084 таси бандлик, қолганлари алимент ундириш, кредит ажратиш, таълим ва мактабгача таълим, коммунал хизмат, ер ажратиш ва бошқа йўналишларга тааллуқли экани аниқланди.

Ушбу муурожаатларнинг барчаси ўрганилиб, тегишлилиги бўйича мутасадди ташкилотларга ҳал этиш учун юборилмоқда ва уларнинг ижроси изчил назорат қилиб борилмоқда.

Кўтарилган муаммоларнинг 3560 таси, яъни 46,8 фоизи вазирилик ва идораларга, 4045 таси, яъни 53,2 фоизи ҳудудий ҳокимликлар ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирият Кенгашига тегишли деб топилди ва уларга кўтарилган масалаларни ҳал этиш учун юборилди.

Маълумки, фуқароларнинг муурожаатлари бўйича ишлаш ҳам қонун билан тартибга солинади. Демак, уларда кўтарилган муаммоларни ҳал этишнинг аниқ мўддатлари ҳам белгилаб берилган. Масаланинг энг муҳими жиҳати ҳам шу ерда.

Қонун бўйича ижро мўддати етиб келган 4736 та муурожаатнинг 2655 таси ҳал этилган, 467 таси мўддатли назоратга олинган, 1614 тасининг эса ижро мўддати ўтиб кетган.

«Call-center» маъмурияти мўддатлари кечиктириб юборилаётган муурожаатлар юзасидан қуйидаги ташкилот ва ҳокимликларни огоҳлантиришни жоиз деб билади:

Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Р. Маматов) - 291 та,
Тошкент вилояти ҳокимлиги (Р.Холматов) - 157 та
Қашқадарё вилояти ҳокимлиги (З.Мирзаев) - 156 та,
Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж.Артиқходжаев) - 133 та,
Наманган вилояти ҳокимлиги (Х.Бозоров) - 114 та.
Уйлайимизки, ҳар қачонгидан ҳам эътиборга эҳтиёжи катта бўлиб турган хотин-қизларимизнинг бу арзу додларига тез кунда жавоб берилади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хотин-қизлар муаммолари бўйича «Call-center» ахборот хизмати

Эзгулик поезди Оролбўйида



Улуғ халқ қудрати жўш урган замон

Ўзбекистонда ЯИМ биринчи чорада 4,1, инфляция 2,8 фоизга ўсди. Саноат маҳсулотлари 4 фоиз, қишлоқ хўжалиги ишлаб-чиқарилиши қарий 4 фоиз кўпайди. Йил якунигача ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ 1,5-2 фоизни ташкил этиши, ИНФЛЯЦИЯ эса ўтган йилгидан ПАСТРОҚ БЎЛИШИ КЎТИЛМОҚДА.

Ўзбекистонда коронавирусга чалинганлар, касалликда гумон қилинганлар, карантинда сақланаётганлар ҳамда реабилитацияга олинганларни даволаш ишларининг барчаси БЕПУЛ давлат бюджети ҳисобидан АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

Юртимизда карантинда бўлиб турган фуқароларнинг ҳар бирига 14 кун карантин даври учун 2,4 миллион сўмдан, коронавирусдан тузалиб, реабилитацияга олинган ҳар бир хаста тикланиши учун 2,8 миллион сўмдан сарфланмоқда.

Биринчи босқичда ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ КУРАШ ЖАМҒАРМАСИ ҳисобидан 2 ТРИЛЛИОН 1 МИЛЛАРД СЎМ маблағ шакллантирилган. Шундан 1,5 ТРИЛЛИОН СЎМ САРФЛАНГАН. Бу маблағлар тиббий жиҳозлар, дори-дармон воситалари сотиб олишга, тиббиёт муассасалари қурилишига, тиббиёт ходимларини рағбатлантиришга, аҳоли ижтимоий ҳимоясига, коммунал хизматлар узлуқсизлигини таъминлашга йўналтирилган.

ЎЗБЕКИСТОНДА ГЛОБАЛ ИНҚИРОЗ ВА ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР

Айни вақтгача мамлакатимизда коронавирус касаллигига қарши кураш учун 16 минг ўрин ҳозирлаб қўйилган. Шунингдек, ушбу инфекциядан даволаш мақсадида 20 минг нафар бемор учун дори-дармон воситалари захираси яратилган.

Шифокорлар учун ҳимоя воситалари, касалхоналар қуриш, жиҳозлаш, янги клиникалар, карантин мажмуалари ташкил этиш учун барча манбалар ҳисобидан 3,5 ТРИЛЛИОН СЎМ маблағ ажратилди. Ҳозиргача 600 миллиард сўм ҳоимийлик ердами йиғилди. «Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлиги» жамоат фонди орқали 72 миллиард сўм маблағ жамланди.

Мамлакатимизда коронавирус инфекциясига чалиниб, даволанаётган ўрта аҳволдаги ҳар бир бемор учун 32 миллион сўмдан, оғир аҳволдаги ҳар бир бемор учун 64 миллион сўмгача маблағ сарфланмоқда.

Ҳозирги оғир пайтда аҳолимизнинг ердан ва кўмакка муҳтож қатламларини аниқ манзилли асосда қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати мамлакатимиз ишбилармонлари ташаббуси билан кенг қулоч ёзди.

Қорақалпоғистон Республикаси

Ишчи гуруҳ фаолияти

Эзгулик поездаи Оролбўйида

Президентимиз Шавкат Мирзиёев топшириғига биноан хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича ташкил этилган Республика ишчи гуруҳининг навбатдаги манзили Қорақалпоғистон Республикаси бўлди. Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Қўдратилла Рафиқов бошчилигидаги Ишчи гуруҳ аъзолари Нукус темир йўл вокзалидаёқ йўл харитасини муҳокама қилдилар. Шундан сўнг меҳмонлар, Қорақалпоғистон Республикаси касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси масъуллари ҳамда туман ҳокимлари ўринбосарларидан ташкил топган кичик гуруҳлар воҳанинг барча туманларига жўнаб кетди.

Ишчи гуруҳ «Хунармандлар аллеяси» мажмуасини бунёд этишда иштирок этиш таклифини киритди. Асосан қора уй (ўтов)нинг миллий нақшлардаги белбоғлари, безакли баскурдлари ва томёқич (жундан ишланадиган кигиз) анжомлари тайёрланадиган цехларда хотин-қизлар меҳнатига эҳтиёж ва талаб катталиги эътиборга олинди. Шу сабаб, ўтов тайёрлаш юмушларида фаолият юритадиган иқтидорли ва чевар опа-сингилларга шароитлар яратиш мақсадида нон маҳсулотларини чиқарадиган корхона ва нон дўкони қурилиши Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши режага киритилди.

– Бу бизни ниҳоятда руҳлантириб юборди, – дейди тadbirkор Венера Саъдуллаева. – Ўн беш нафар опа-сингилларимиз доимий фаолият билан банд бўладиган корхона қурилишига касабга уюшмалари маблағлари ҳисобидан 800 миллион сўм ажратилган бўлди.

натижасида бўзатовлик ижтимоий ночор 70 нафар хотин-қизга ёрдам кўрсатилди. Уларга 1 миллион сўмдан нақд пул, гилам, электр нон пиширгич, тикув машинаси, санаторийларга йўлланма ва озиқ-овқат маҳсулотлари топширилди.


– Президентимизнинг эътиборидан биронта ҳам ватандошимиз четда қолаётгани йўқ, – дейди саксон ёшдан ошган онахон Наталья Лим. – Кўрсатилаётган кўмаклар қатори «Ishonch» газе-



таси тахририяти томонидан совға қилинган китоблари кўриб, хурсанд бўлиб кетдим. Чолим билан китоб ўқиб, газета мутуолаа қилишни жуда яхши кўраимиз.

Жаҳон аҳлини саросимага солаётган айни оғир ва синовили кунларда Юртбошимиз топшириғи билан Қорақалпоғистоннинг олис овулларида яшаётган, шароити оғир, ногиронлиги бор, кўмакка муҳтож хотин-қизлар ҳолидан хабар олиб, ёрдам қўлларини чўзган касабга уюшмалари фидойиларига миннатдорлик сўзларини айтаётганлар кўпчилигини ташкил этди.

– Қарамоғимда тўрт нафар қизим бор, – дейди Рауза Разиқова. – Умр йўлдошим вафотидан сўнг фарзандларимни ёлғиз ўзим вояга етказмоқдаман. Коронавирус пандемияси туфайли халқимиз синовили кунларни бошидан ўтказаятган бир пайтда биз каби камбағал оилаларга ёрдам қўлини чўзаётган давлатимиздан миннатдоримиз.



Мамлакатимизда хотин-қизларнинг яшаш шароитини яхшилаш ва муносиб турмуш кечиришини таъминлаш ҳамisha ҳукуматимиз эътибор марказида. Қорақалпоғистонлик онахонлар ҳам бу жиҳатни қайта-қайта эътироф этиб, юрт тинчлиги, Юртбошимизнинг соғлиги ва халқимизнинг аҳиллигини тилаб дуога қўл очдилар.

«ОҚ КЕМА»НИНГ ПАРВОЗИ

Ўтган йили март ойида Мўйноқ туманида Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси маблағлари ҳисобидан болалар ёғи дам олиш оромгоҳини бунёд этиш ишлари бошланган эди. Болаларнинг ҳордиқ чиқарадиган ушбу масканда бугун катта иш қўлами бажарилган. Йил давомида юздан ортиқ қурувчи иштирок этган «Оқ кема» оромгоҳи жорий мавсумда илк дам олувчи болажонларни қабул қилишга тайёрлик кўрмоқда. Дам олиш маскани фойдаланишга топширилган, ҳар мавсумда 1200 қорақалпоғистонлик болажонни соғломлаштириш имконияти пайдо бўлади.

– Юртбошимизнинг Мўйноқ тумани аҳолисини кўрсатаётган эътибори ва оталарча ғамхўрлигидан мамнун бўляпмиз, – дейди туман ҳокими Ерполат Еденбаев. – Туманимизга тоза ичимлик сувининг келиши, Орол денгизининг сувдан бўшаган ерларида яйлов ва ўрмонзорлар барпо этилиши, Мўйноқнинг туман марказидан шаҳарга айлантирилиши, ушбу ҳудудда кенг қўламли ободонлаштириш ҳамда бунёдкорлик ишларининг амалга оширилиши мамлакатимиз ташқарисида ҳам эътироф этилмоқда. Қиёси йўқ дам олиш

марказининг бунёд этилиши барчани хурсанд қилмоқда.

Ёғи оромгоҳ фойдаланишга топширилгандан сўнг юзга яқин одамнинг бандлиги таъминланиши кутилмоқда. Ишчи гуруҳ таклифига биноан кўпчилигини хотин-қизлар ташкил этадиган жамоани фақат мўйноқликлар ҳисобидан шакллантириш амалга оширилмаганди бўлди.

Шу кунгача 30 миллиард сўмлик иш бажарилган оромгоҳда юмушлар авж палласида. Унга ажратилган 12 гектарлик майдонда мевали ва манзарали дарахлар буй чўзимқда. Томорқага полиз ҳамда сабзавот экинлари экиш ишлари бошлаб юборилган.

Мўйноқ туманида хотин-қизлар бандлигини таъминлаш учун 300 миллион сўм ажратилди.

– Ишчи гуруҳ уч кун давомида воҳа хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш, – дейди Қорақалпоғистон касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Улуғбек Жалменов. – Эътиборга муҳтож бўлган опа-сингилларимиз оилалари моддий ва маънавий томондан қўллаб-қувватланди. Ишбилармон аёлларнинг тadbirkорлик фаолиятини ривожлантириш мақсадида касабга уюшмалари маблағлари ҳисобидан катта миқдордаги беғараз молиялаштириш юмушлари амалга оширилди.

Ортиқбой МАМУТОВ,

«ISHONCH»



Тумандаги 20-болалар музика ва санъат мактабига 10 донга компьютер жамланмаси топширилди.

ДУОГА ОЧИЛГАН ҚўЛЛАР

Ишчи гуруҳ аъзолари Бўзатов туманидаги маҳаллалар, чекка овул ва қишлоқларда яшайдиган шароити оғир опа-сингилларимизни излаб топишда маҳалла фаоллари билан ҳамжиҳат иш олиб боришди. Ўрганишлар

БўЗАТОВ: ЎЗГАРИШЛАР АРАФАСИДА

Ишчи гуруҳ Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгаши Раиси ўринбосари А.Ҳамраев ҳамроҳлигида Бўзатов туманида бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қайта ташкил этилган ушбу туман мамлакатимиз шимолидаги гўшалардан ҳисобланади. Бугун бу ерда туман аҳолисининг эртанги фаровон ҳаётини таъминлаш мақсадида қатор ташкилий ишлар бошлаб юборилган. Келгусида йирик корхоналар, маданий ва маиший объектлар қурилиши режалаштирилмоқда.

– Туманда бир пайтлар 65 минг бошгача йирик шохли қора моллар боқилган. Ҳозирда уларнинг сони 4 минг бошни ташкил этмоқда, – дейди Бўзатов тумани ҳокими Маҳмуд Қайпанов. – Аҳолини иш билан таъминлаш, ҳаёт фаровонлигини юксалтириш боришда мақсадли вазифалар амалга ошириляпти.

Туман ҳокими келгусида бажариладиган ишлар режаси борасида Ишчи гуруҳ аъзоларига сўзлаб берар экан чорвачиликни ривожлантириш баробарида саноат майдончасида бунёд этиладиган корхоналар, туман марказида қад ростиладиган уй-жойлар, маданий-маиший объектлар, аҳоли дам олиш масканлари ва «Хунармандлар аллеяси» тўғрисида атрофлича тушунтириш берди.

Ижтимоий ҳимоянинг оқилона услуби



Нодира КАРИМОВА,
Ўзбекистон касабга уюшмалари
Федерацияси бўлим мудири

Янги пандемия дунё миқёсида кўплаб муаммоларни келтириб чиқаргани аниқ ҳақиқат. Бундай қийин шароитда аҳолининг ижтимоий ҳимояси масалалари устувор аҳамият касб этади. Ҳозирги вақтда ишсизлар, ёрдамга муҳтож аҳоли сонининг ортиши табиий ҳолат ҳисобланади. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, мамлакатимизда бир миллион 405 минг нафар аҳоли 2 миллион сўмлик миқдордан кам иш ҳақи олади. Бу кўрсаткич ортида кўпгина ижтимоий-иқтисодий муаммолар ўз аксини топган. Шу ўринда Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) Бош директори Гай Райдернинг коронавирус пандемияси нафақат тиббий, балки ижтимоий-иқтисодий инқироз экани ҳақидаги фикрини эсга олиш жоиз. Бу ушбу инқирозга қарши курашда барча омилларни ҳисобга олиб, мувофиқлаштирилган аниқ чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этади. Энг муҳими, бунда аввало ижтимоий ҳимоясиз одамларнинг эҳтиёжларини қондиришга эътибор қаратилиши зарур. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда давлат раҳбари ва махсус комиссиянинг қабул қилаётган қарорларида аниқ шу омил ҳисобга олинмоқда.

ХМТнинг маълум қилишича, жаҳон иқтисодиёти (ЯИМ) глобал ўсишига COVID-19нинг салбий таъсири турли хил сценарийлар асосида кечиши мумкин. Хусусан, 2019 йилдаги 188 миллион нафарлик асосий глобал ишсизлик даражаси **5,3 миллиондан** («Кам» сценарий) **24,7 миллионгача** («Оқори» сценарий) кўтарилиши тахмин қилинмоқда. Агар 2008-2009 йиллардаги глобал молиявий инқироз глобал ишсизлик даражасини **22 миллион нафарга** оширгани инобатга олинса, меҳнат бозоридagi инқироз қўлами ҳақида яққол тасаввур юзага келади.

ХМТнинг «Глобал маърузаси»да 2030 йилгача дунёни ўзгартиришнинг 8-мақсадига етишда қатор таҳлиллар амалга оширилган бўлиб, қуйидаги асосий муаммолар дунё ҳамжамияти эътиборини тортмоқда:

ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

Ҳозирги ишсизлик муаммосини ҳал қилиш учун **2030 йилгача 344 миллионга** иш ўрни ва унга **190 миллион** қўшимча иш ўрнини яратиш зарурати бор.

ИШСИЗЛИК

Бугунги кунда **190 миллион** нафар киши ишдан маҳрум бўлиб, уларнинг **64,8 миллион** нафари ёшлар.

НОРАСМИЙ БАНДЛИК

2 миллиард нафар киши норасмий иқтисодиётда меҳнат қилмоқда.

ИШЛАЁТГАН ҚАШШОҚЛАР

300 миллион нафар ҳодим ўта қашшоқ шароитда яшамоқда (кунига **1,90 доллардан кам** ҳақ эвазига меҳнат қилапти).

ИШ ЖОЙИДА ҲАЛОКАТЛИ ЖАРОҲАТЛАР ВА КАСБ КАСАЛЛИКЛАРИ

Иш билан боғлиқ бўлган бахтсиз ҳодиса ва касб касалликлари оқибатида ҳар йили **2,78 миллион** нафар киши ҳаётдан кўз юмаяпти.

ИШ ВАҚТИ

Дунёдаги **36,1% ҳодимлар** белгиланган иш вақтидан ортиқ ишламоқда (**ҳафтасига 48 соатдан кўп**).

ИШ ҲАҚИ

2016-2017 йилларда иш ҳақининг ўсиш суръати **2,4 фоиздан 1,8 фоизгача** пасайган.

МЕҲНАТГА ҲАҚ ТўЛАШ БЎЙИЧА ГЕНДЕР ТАФОВУТ

Аёллар эркакларга нисбатан **20 фоиз** кам ҳақ олмақда.

ТЕНГСИЗЛИК

1980 йилдан 2016 йилгача дунёдаги энг бой одамларнинг **1 фоизи** дунё даромадларининг **27 фоизини** қўлга киритган, энг камбағал одамларнинг **50 фоизи** эса атиги **12 фоиз** даромад олган.

РАҚАМЛИ ТАФОВУТ

Барча уй ҳўжалиklarининг **53,6 фоизи** интернетга уланган. Ривожланаётган давлатларда эса уларнинг улуши атиги **15 фоизга** тенг.

Таҳлил

КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИГА ҚАРШИ КУРАШ: ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ ВА ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ



Акмал САИДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси Спикерининг
биринчи ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, инсоният дуч келган пандемия «ўзининг қўли ва миқдасига кўра, мислсиз глобал инқирозга, бутун башариёт тақдир ва жаҳон иқтисодиёти учун ғоят жиддий синовга айланди». Американинг Жонс Хопкинс университети маълумотларига кўра, 2020 йилнинг 24 апрелида дунёда 2,7 миллиондан ортиқ киши коронавирусга чалинган, улардан 191 минг нафарга яқини вафот этган. Коронавирус инфекцияси деярли барча мамлакатларда аниқланган.

Коронавирус инфекциясининг тарқалиши глобал пандемияга айланган боис, унга қарши курашиш учун бир ёки бир неча давлатнинг саясий-ҳаракатлари етарли бўлмайди. Пандемия ва унинг дунё ҳамжамиятига салбий ижтимоий, иқтисодий ва моливий таъсирини камайтириш учун ўзаро мувофиқлаштирилган, шу жумладан, БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш дастури доирасида мазкур фойига қарши курашда ижтимоий-иқтисодий, илмий, инновацион, технология ва тиббий салоҳиятни жалб қилиш каби глобал муносабатни шакллантириш зарур.

Айнан шу муносабатлар масалалар дунё ҳамжамиятининг диққат марказида турибди. Улар коронавирусга қарши кураш бўйича глобал, минтақавий ва миллий чора-тадбирлар муҳофазасига бағишланган деярли барча йирик халқаро саммитлар ва давлат раҳбарлари учрашувларининг ҳам кун тартибидея турибди. Хусусан, БМТ Бош ассамблеясининг шу йил 2 апрелда «2019 йилдаги коронавирус касаллиги(COVID-19) га қарши курашда глобал бирдамлик» деб номланган махсус резолюцияси, Туркий тили давлатлар ҳамкорлик кенгашининг шу йил 10 апрелда бўлиб ўтган навбатдан ташқари саммитида **Коронавирус инфекцияси пандемиясига қарши биргаликда курашиш масалалари бўйича Боку декларацияси** қабул қилинди.

Бугун Ўзбекистон мамлакат ичкарида эпидемия тарқалишининг олдини олишга қаратилган ўта мураккаб жараён давом этаётганига қарамай, бошқа давлатларга, хусусан, Россия, Венгрия, Беларусь, Қирғизистон, Тожикистон, Эрон, Афғонистон ва бошқа мамлакатларга гуманитар ёрдам кўрсатишда. Турли халқаро тузилмалар қарорлари, декларациялари ва биргаликдаги ҳаракатлар режалари доирасида белгиланган халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича давлат бошлиғи кўрсатиб берган Ўзбекистон позицияси қуйидагича:

Биринчидан, пандемия кенг тарқалишининг олдини олиш, инсон саломатлиги ва ҳаёти химоясини кучайтириш учун самарали ва комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш; **Иккинчидан**, ушбу соҳада тизимли ўзаро алоқаларни ўрнатиш, хусусан, ўта хавфли инфекцияларнинг олдини олиш, тахис қўйиш, даволаш, эпидемиологик вазиятни ўрганиш ва илмий тадқиқотлар соҳасида ўзаро ахборот ва тажриба алмашишни йўлга қўйиш; **Учинчидан**, ушбу тахиднинг давлатлар барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишига салбий таъсирини камайтириш; **Тўртинчидан**, асосий халқаро молия-кредит институтлари доирасидаги самарали яқдил ҳаракат ва ҳамкорликни кенгайтириш. Шу нуқтаи назардан **Европа Кенгаши президенти Шарль Мишель** минтақада бугун дўстлик ва ишонч, яхши кўнанишлик ҳамда ҳамкорлик муносабатларини ўрнатишда фундаментал ва ижобий ўзгаришлар рўй берганини алоҳида таъкидлади. Унинг сўзларига кўра, ушбу сезиларли силжиш Европа Иттифоқининг Марказий

Осиё учун янги стратегияси мақсад ва вазифаларига тўлиқ мос келади.

Американинг етакчи нашрларидан бири бўлган «The Diplomat» бош муҳаррири Кетрин Путц «Ўзбекистон Марказий Осиё дипломатиясининг, COVID-19 даврида минтақавий ҳамкорликнинг етакчисига айланиб бормоқда. Бутун дунёда халқаро ҳамкорлик оқсаётган бир пайтда, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг сиёсати стратегик самарали мулоқот ва ҳамкорликнинг ёрқин мисоли бўла олади», дейди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ), бошқа халқаро ташкилотлар раҳбарлари, чет давлатларнинг нуфузли ва халқаро миқёсда тан олинган шифокорлари, олимлари, экспертлари ва мутахассислари Ўзбекистонда коронавирусга қарши амалга оширилаётган тизимли ва комплекс чора-тадбирларни юксак баҳоламоқда.

Ушбу чора-тадбирлар ўтган давр мобайнида Президентнинг 10 дан ортиқ фармон ва қарорларида, Ўзбекистон халқига қилинган учта мурожаатида, шунингдек, пандемияга қарши курашиш, аҳолининг ижтимоий ҳамда тиббий химоясини мустаҳкамлаш ва бошқа масалаларга бағишланган 20 дан ортиқ учрашув, видеоселектор йиғилишларида белгилаб берилди. Улар бўйича 50 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Энг асосийси, ушбу чора-тадбирларнинг барчаси ушбу оғир ҳамда масъулиятли даврда ҳеч ким, ҳеч бир оила давлат ва жамиятнинг эътибори, ғамхўрлигидан четда қолмаслиги, оддий одамлар фаровонлиги таъминланиши керак, деган ғояга асосланади.

Бутун мамлакат бўйлаб қатъий карантин тизими жорий этилди. Қисқа муддат ичида Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ва **Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиш вақўшимчалар киритилди.** Қўрғинчиликдаги бу ўзгаришлар санитария қонунчилигини ёки эпидемияларга қарши курашиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтиришга, шунингдек, карантин ва одамлар учун хавфли бўлган бошқа инфекцияларнинг тарқалиши тўғрисида нотўғри маълумот тарқатишга қарши қаратилган.

ЖССТ Бош директори Т.Гейрейесус ўз вақтида карантин тадбирларини ўтказиш муҳимлигини таъкидлайди. Зеро, «пандемия нафақат ҳуқуқатини, балки жамиятнинг ҳам саясий-ҳаракатларини талаб этади. Ҳар қандай пандемияга қарши курашдаги энг муҳим тамойил – вазиятни назорат остида ушлаб туриш, касаллик тарқалиш манбаларини аниқлаш ва жийовлашдан иборат. Фақат ижтимоий чеклов чораларини вақтдан ютиш имконини беради, вируснинг тез тарқалиши олдини олади. Бу мунда, энг аввало, пандемияга қарши курашнинг комплекс миллий стратегиясини ишлаб чиқиш, амалга ошириш, соғлиқни сақлаш, шунингдек, бошқа соҳалар инфратузилмаси ҳамда кудратини ошириш учун зарур ва бу одатдаги турмуш тарзига қайтишда муҳим аҳамиятга эга».

Хитой, Туркия, Буюк Британия, Германия ва Миср шифокорлари, ЖССТ экспертлари Ўзбекистонда карантин чораларининг ўз вақтида ва тезкорлик билан амалга оширилганини, шунингдек, аҳолининг оммавий касалланиши олдини олиш бўйича чора-тадбирлар оқилона ва ўзаро муносиб бўлганини алоҳида таъкидладилар. Уларнинг фикрича, дунёда коронавирусга қарши вакцина ва самарали дори воситалари ишлаб чиқилмаган бир пайтда карантин чораларини қўллаш касалликнинг оммавий тус олмастлигида ягона самарали йўллар. Кўпгина давлатлар пандемияни эрта босқичда жийовлаш имконини қўлдан бой бердилар, ammo кейинчалик кечикиб бўлса-да, карантин чораларини қўллашга мажбур бўлдилар. Натижада, улар бир кунда юзлаб, минглаб фуқароларининг ҳаётини бой бермоқдалар. Шу йилнинг 21 апрель ҳолатига коронавирус билан касалланганларнинг ўлим даражаси Испанияда – 10,4 фоиз, Италияда – 13,2 фоиз, Буюк Британияда – 13,3 фоиз, Францияда – 17,6 фоизга тенг. Германияда бу кўрсаткич 3,1 фоизни ташкил этади, бу қатъий карантин чоралари, аҳолининг коронавирусга оммавий текшируви, ишончли соғлиқни сақлаш тизимининг мавжудлиги ва бошқа омиллар билан изоҳланади.

24 апрелдаги маълумотларга кўра, Ўзбекистонда коронавирус билан касалланганлар сони 1778 нафарни таш-

кил этди, вафот этганлар сони эса – 7 нафар (0,39 фоиз). Бу нафақат МДХ, балки дунё мамлакатлари орасидаги энг яхши кўрсаткичлардан бири.

Мамлакатимизда коронавирусга қарши самарали курашиш учун республиканинг барча ҳудудларида ихтисослаштирилган тиббиёт муассасалари ва карантин зоналари ташкил этилди.

Япония юқумли касалликлар уюшмаси президенти, Япония клиник микробиология жамияти президенти, Тиббиёт университети профессори **Тохо Казухиро Татедо**, Германиянинг «Public Diplomacy Initiativekreis» ташкилоти раиси **Гунтар Кайзер**, Туркиянинг «Kani-Med Healthcare» тиббий компанияси раиси **Филиз Эрдоган**, Мисрнинг халқаро ишлар бўйича кенгаши аъзоси **Ас-Сайид Хани** Ўзбекистон фуқаролари орасида ўлим ҳолатларининг камлигини қуйидаги мақсадли чоралар билан изоҳладилар:

Биринчидан, эпидемия траекто-



риясини мувофиқлаштириш ва тиббий муассасаларга босимни камайтириш, соғлиқни сақлаш тизимининг «ўтказиш қобилиятини» ошириш учун инновацион ечимлардан фойдаланиш, мамлакатдаги эпидемиологик вазиятни чуқур мониторинг қилиш ва прогноз қилиш миллий тизимини жорий этиш;

Иккинчидан, шовилчин равишда янги касалхоналарни қуриш, мавжуд тиббий муассасаларни қайта иқтисослаштириш, ўн минглаб одамларни қабул қила оладиган ихтисослаштирилган карантин зоналарини яратиш, тиббий муассасаларни зарур синос тизимлари ва химоя воситалари билан таъминлаш ва бошқалар. Бу бугунги кунда стационар ва уй карантинидидаги одамлар сони 92 мингдан ошган бир пайтда жуда муҳимдир;

Учинчидан, коронавирус билан курашнинг олд сафида турган ва зарбани биринчи бўлиб қабул қилаётган тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва уларнинг меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантириш, ижтимоий химоясини таъминлаш ва бошқалар. Хусусан, **Казухиро Татедо** «чет элдан қайтган фуқаролар учун Ўзбекистон томонидан икки ҳафталик карантин жорий этилгани ўз вақтида ва тўғри қарор бўлди. Бу ва республика аҳолисининг ўз-ўзини яқкалаш режими ривожланишига ҳамда унинг мамлакатда кенг тарқалишига қарши курашда ўз самарасини берди», дея таъкидлади. Коронавирусга қарши курашда ташқи ишлар вазирлигининг имкониятларидан максимал даражада фойдаланилди. Вазирлик бошқа мамлакатлардан минглаб фуқароларини ватанга қайтариш учун жуда улкан ишларни амалга оширди.

Юртимизда касаллик тарқалишининг олдини олиш мақсадида аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб борилмақда. Американинг «The Diplomat» нашрининг таъкидлашича, дунёда коронавирус тез суръатларда тарқалган бир пайтда, «**Тошкент бошқа давлатлар учун намуна бўладиган чораларни кўрди.** Ўзбекистон расмийлари барча маълумотларни очик ва ошқора эълон қилиб бормоқда, шунингдек, аҳолини тезкор хабардор қилиш учун Интернетга тўқинликсиз кириш имкони яратилган».

Мақолада давлат ва нодавлат телерадиоканаллари, шунингдек, ҳар кун 1,36 миллиондан ортиқ обунани маълумот оладиган «**Коронавирус инфо**» канали фаолиятига алоҳида ургу берилган.

Хорижий оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда «озик-овқат ваҳимаси ва бирламчи истеъмол товарлари, биринчи навбатда,

ниқоблар етишмаслиги» муаммоси йўқлигини таъкидламоқдалар. **МДУ Ахборот-таҳлил маркази** мутахассисларининг фикрича, расмийлар ўз вақтида нархларни тартибга сола билди, бу эса нархлар кўтарилишининг олдини олишга ёрдам берди. Россиянинг «**Новая газета**»-си республикада ниқоблар етишмаслиги муаммоси йўқлигини кучли тўқимачилик санатининг мавжудлиги билан изоҳлади.

Хорижий экспертлар Ўзбекистонда инфекция тарқалишининг дастлабки кунларидан бошлаб, Бош вазир бошчилигида Инқирозга қарши кураш бўйича Республика комиссияси, COVID-19 тарқалишининг олдини олиш, тиббий муассасаларни дори-дармон, химоя ва диагностика воситалари билан таъминлаш мақсадида Инқирозга қарши жамғарма ташкил этилганини ҳам юқори баҳоламоқда. Энг муҳими, ушбу тузилмаларнинг иши очик, ошқора ва шаффоф амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда таълим тизимининг узлуксизлигини таъминлаш учун барча ўрта, ўрта махсус ва олий таълим муассасалари ўз фаолиятини масофадан туриб интернет орқали амалга оширмоқда. Хусусан, **Европа Кенгаши Президенти Шарль Мишель Ўзбекистонда коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши қўрилаган чора-тадбирларни юқори баҳолади ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлади.**

Ўзбекистонда инсонийлик мезонлари, фуқаролик жамияти, фан, маданият ва таълим муассасаларини ривожлантириш борасида эришилган ютуқларни алоҳида таъкидлаб ўтди. У Европа Иттифоқининг пандемияга қарши курашда зарур ёрдам кўрсатишга тайёрглигини билдирди ва ушбу мақсадлар учун Ўзбекистонга моливий ва техник ёрдам ажратиш тўғрисида қарор қабул қилинганини таъкидлади.

Юртимизда аҳоли узлуксиз равишда озик-овқат, дори-дармон ва зарур тиббий буюмлар, бошқа ҳаётий зарур товарлар билан таъминланмоқда. Ногиронларга, кам таъминланган ва аҳолининг химояга муҳтож қатламларига бепул манзилли ёрдам кўрсатадиган тизим шакллантирилди. Шу билан бирга, ушбу жараёнда нодавлат ташкилотлари ва фуқаролик институтлари, кенг жамоатчилик фаол иштирок этмоқда.

Бизда иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун аниқ механизмлар (хусусан, Инқирозга қарши жамғарма) шакллантирилди. Тадбиркорларга банк кредитлари бўйича фойзалари «музлатилди» имконияти ва солиқ таътиллари берилди. Импорт қилинадиган товарларга солиқ ставкалари ва божжона тўловлари сезиларли даражада пасайтирилди.

Умуман олганда, халқаро тузилмалар раҳбарлари, хорижий экспертлар, мутахассислар Ўзбекистонда инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий қадрият эканини таъкидламоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар коронавирус инфекциясини тарқалишига қарши самарали курашиш, республика фуқароларининг муносиб ҳаётини таъминлаш, инфекция тарқалишини назорат қилиш ва энг муҳими, минглаб фуқаролар ҳаётини сақлаб қолиш, инқироздан кейинги тикланиш ва мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий соҳанинг барқарор ривожланишига ёрдам беради.

Шубҳасиз, Ўзбекистон тажрибаси пандемияга қарши курашда муҳим аҳамият касб этиб, бошқа давлатлар учун ёрқин намуна ва зифасини ўтайди.

Нўқтай назар!
Андижон туманида Бешбанги номли маҳалла бор. Икки мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. «Худудни ким, қачон, нега бундай номлаган?» деган саволга тарихий манбаларда ҳам, қишлоқ нурунлиларида ҳам тайинли жавоб йўқ. Аммо бир нарса аниқ: сўнгги ўн беш йилда маҳалла аввалига «Истиқлол», сўнгра «Беш паҳлавон» деб икки бор ўзгартирилиб, расмий ҳужжатларда ҳам шундай ёзилаётган бўлишига қарамай, одамлар ҳамон яшаш манзилни «Бешбанги» деб аташади.

Жой номларининг муаллифи ким бўлиши керак?

халқми ёки кабинетда ўтирган амалдорлар...

Хулоса шуки, кўча ва маҳалла номлари ўзгартирилса-да, янги атаманинг халқ тилига сингиб кетиши осон жараён эмас. Бунинг учун анча йиллар керак. Яқинда географик номларни қайтадан жиддий кўриб чиқиш масаласи кун тартибига қўйилганидан кўнлар хабардор, албатта. Аввало, шунга катта эҳтиёж бор. Теварак-атрофимизда тугал йиғида ва мазмун-моҳиятга эга бўлмаган, баъзан талаффузда ноқулайлик туғдирадиган ҳамда муайян ҳудуддаги урф-одат ва қадриятларга мутолақа алоқасиз номлар беҳисобки, уларнинг имло ва маъно жиҳатдан ўзбек тилига хос ва мослигини қайта ўрганишга қарор қилинганлиги боиси ҳам шундан.

Айтиш жоиз, айтиш саяй-ҳаракат доирасида Андижон вилоятида топонимик комиссия томонидан 100 га яқин маҳаллалар ҳамда 400 дан ортиқ кўчаларнинг номларини ўзгартириш зарур деган хулосага келинди. Аввало, бандларнинг номлар жуда кўп. Нурафшон, Ифтихор, Шодлик, Ёғду, Қўқунур, Зафаробод, Бўстонбод каби маҳаллаларнинг умумий манзараси, одамларнинг ҳаёт тарзи ва урф-одатларига кўнла ёпиша-вермайдиган атамалар деярли ҳар бир туманда такрор-такрор учрайди. Ёки айтайлик, Олтинкўл туманида Сарой-1, Сарой-2, Чаққон-1, Чаққон-2 деган тўртта маҳалла фуқаролар йиғини бор. Номини бир хил, ammo тартиб рақами ажратиб турадиган бу маҳаллаларга ҳудуд ўтмишига хос бирорта тарихий атама топиш мумкин эмасми?

От – ўз номи билан от. Шу маънода географик объектларни инсонларнинг ёки муайян жисмининг бирор-бир сифатини ифодалайдиган сўзлар билангина ярамчала аташ наники тилшунослик қоидалари, мантиққа ҳам зид. Қўрғонтепа туманида бундан етти-саккиз йил аввал бутун бошли кўчаларни Мафтункор, Гўзал, Фидойи, Навқирон, Хушмуомала, Таманно деб аташга қарор қилинганини қандай тушуниш мумкин? Бундай ҳолат қўшни Жалақудуқ туманида ҳам давом этади: Фаровон, Саховатли, Мусафтоҳ... Мутасаддилар орасида бу каби сифатловчи сўзларни алоҳида атама тарзида қўллаш мумкин эмаслигини биладиган кадрлар йўқми?

Яна бир қизиқ жиҳат. 2013 йилда Қўрғонтепа туманидаги Шаҳрихонсой маҳалласидаги кўчаларнинг бирига Зиёнонуми берилган экан. Мазмун-моҳият жиҳатдан яқин бўлган «зиё» ва «нур» сўзлари деярли бир маънони англатишини тушуниш учун катта ақл шарт эмас-ку?

Жимжамдор кўрингани билан ёзгани талаффузда бироз ноқулайлик туғдирадиган номларни ҳам қайта кўриб чиқиш керакдай. Дейлик, Бўстон туманининг Сарбон

маҳалласи Коинот кўчасида яшовчилардан манзилни сўрасангиз, «Коинотданман!» деб жавоб бериши кулгили-да! Андижон давлат университети филология факультети ўзбек тилшунослиги кафедраси аъзоси Абдуҳалим Эргашевнинг таъкидлашича, бундан етти-саккиз йил аввал айрим туманларда кўчаларга шовилчинча Тошкент метрополитени бекатлари номини кетма-кет қўйиш ҳоллари кузатишган.

«Бу атамаларнинг зикр этилаётган ҳудудларга алоқадорлиги хусусида сўз очилса, ҳеч ким асослаб беролмайди. Шунинг учун жой номлари бир шахсининг дунёқаршидан келиб чиқиб қўйилмаслиги керак», деб ҳисоблайди у.

Мутахассис фикрига қўшимча қилиб айтиш мумкинки, ҳудуд номларини билиб-билмай ўзгартирилмаслик ҳамда соҳани тушунайдиган амалдорларнинг бу ишга аралашмаслиги ҳам катта аҳамиятга эга.

Жумладан, икки ойча аввал вилоят миқёсидаги йиғилишда катталардан бири айтиш мавзуда донишмандлик қилиб, «Масалан, Асака туманидаги «Марқаюз» маҳалласи номини ўзгартириш керак. Бу нима деган гап?» дея мутахассисларга «тавсия» бергани кулоққа чалинди. Асакалик фахрийларнинг қайд этишича, «Марқаюз» сўзи ўзбек уруғларидан бирининг номидан келиб чиққан. Чиндан-да, ўзбек уруғлари тарихи ҳақидаги бир қатор манбаларда «марқа» сўзи учрайди. Демак, Асакадаги «Кўнғирот», «Қипчоқ», «Марқаюз» каби МФЙлар номлари маҳаллий аҳолининг илдизлари зикр этилаётган улус ва элларга туташ эканига ишора қилиб қўйилгани эҳтимоли катта.

Боз айтдик, айтиш пайтда Андижон вилоятида 500 дан зиёд жой номи ўзгариши керак. **Муаммо шундаки, бу масалада томонимик комиссияга жуда қисқа вақт берилган.**

Бизнингча, МФЙ ва кўчаларни қайта номлашда энг аввал фаолларнинг, зиёлиларнинг фикр-мулоҳазалари инобатга олиниши, ҳудудларнинг жойлашуви, рельефи, маҳаллий аҳолининг анъаналари, тарихий қадриятлари назардан қочирилмаслиги зарур. Ҳар бир инсон ўз исми билан фахрлангани каби жой номлари ҳам шу ерда муҳим яшовчи кишиларга гурур-ифтихор бахш этиши даркор. Токи бир гуруҳ шахслар томонидан шовилчинча лугат титқилаб топилган – баъзан жимжамдор, гоҳо пойма-пой номларни эсим-ўрт йилдан сўнг тагин ўзгартиришга тўғри келмасин.

Нурилло Нўъмонов,
«ISHONCH»



Эълон

«Farg'ona mulk savdo» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидея ўтказиладиган аукцион савдоларига таклиф этади!

I. 2020 йил 28 май кунини соат 11:00га бўлиб ўтадиган ёпиқ аукцион савдосига Фарғона водийси каналларидан фойдаланиш бошқармасига қарашли «Дамас» русумли, д/р 40 604 DAA, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, носоз автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси – 5 785 000 сўм. Талабномалар хабарнома чиққан кундан бошлаб, фақат ташкилот ишчи-ходимлигини тасдиқловчи маълумотнома билан иш кунлари соат 10:00дан 16:00гача (13:00-14:00 тушлик) қабул қилинади.

Талабномалар қабул қилишининг охири мuddати: 2020 йил 26 май соат 18:00.

Юқоридея кўрсатилган автотранспорт воситаси дастлабки кўнги савдода сотилмаган тақдирда такрорий савдо 2020 йил 19 июнь кунини соат 11:00га бўлиб ўтишини маълум қилади.

II. 2020 йил 28 май кунини соат 11:00га бўлиб ўтадиган очик кимовида савдосига Кўкўрда давлат педагогика институтига қарашли 2 та автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. «Дамас» русумли, д/р 15 AG 765, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, носоз автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 3 581 000 сўм.

2. «Нексия» русумли, д/р 272 NAA, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, носоз автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 2 640 000 сўм. Талабномалар хабарнома чиққан кундан бошлаб, фақат ташкилот ишчи-ходимлигини тасдиқловчи маълумотнома билан иш кунлари соат 10:00дан 16:00гача (13:00-14:00

тушлик) қабул қилинади. Талабномалар қабул қилишининг охири мuddати: 2020 йил 26 май соат 18:00. Юқоридея кўрсатилган автотранспорт воситаси дастлабки кўнги савдода сотилмаган тақдирда такрорий савдо 2020 йил 19 июнь кунини соат 11:00га бўлиб ўтишини маълум қилади.

Такрорий савдога аризалар қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин соат 18:00да тўхтатилади.

Аукцион савдосига чиқарилган мулк билан расмий иш кунлари соат 18:00га қадар «Мулк эгаси» вакиллари иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин (13:00-14:00 тушлик). Савдо голийи деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловлар амалга ошириш мuddати олди-сотди шартномаси тузиладиган белгиланади. Савдода иштирок этиш тулган ариза (буюртманнома), закалат пули тулганганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакилар учун ишончнома тақдим этилади. Талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пули «Farg'ona mulk savdo» МЧЖнинг ҳисоб-брақамига (банк: «Трастбанк» Фарғона филиали, МФО: 01123, СТИР: 303823262, ҳ/р: 22604000600596714001) тўлашлари лозим.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Фарғона шаҳри, Фаробий кўчаси, 11/17-уй. Тел.: (90) 307-11-88. (97) 415-51-11.

Гувоҳнома: 131

Огоҳлик

Хайдовчиларнинг бир қарашда арзимасдек кўринган хатоси мўҳиш оқибатларга олиб келиши мумкин. Кейинги пайтларда йўлларимизда кузатилаётган, хайдовчиларнинг айби билан содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисалари бунинг тасдиғидир. Шулардан бири ёнғинлардир.

Уловни оловдан асранг



Автомобилда ёнғин келиб чиқишига ақсарият ҳолларда қуйидагилар сабаб бўлади:
- Сегарета тутатгичнинг талаб даражасида ишламаслиги ва салонда чекиш;
- Мотор қисмида ёқилғининг бирор тешикдан сизиб чиқиши натижасида ҳаво билан аралашиб ёнувчан концентрация ҳосил бўлиши;
- Автомобилда мавжуд электр симларининг устки ҳимоя қўбиги шикастланиши ва бунинг натижасида қисқа туташув рўй бериши;
- Двигател қисмига ёритиш ёки уни совуқда қиздириш мақсадида очик оловдан фойдаланиш;
- Совушти тизими издан чиқиши натижасида двигателнинг қизиби кетиши ва ҳоказо...

Аллоҳга шукри, орзиқиб қутилган ойлари султони – Рамазон ташриф буюрди. Бу йилги Рамазон ойи бутун дунёда коронавирус тарқалиши оқибатида юзага келган мураккаб эпидемиологик вазият давом этаётган оғир бир даврга тўғри келди, ана шундай вазиятда ҳар бир мўмин-мусулмон оила даврасида карантин қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда, уй шароитида динимиз арконларини адо этмоқда.
Мўхтарам Юртбошимиз «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракатини йўлга қўйиш ташаббусини илгари сурган видеоселектор йиғилишида: «Бу ойда эҳтиёманд ва мўхтож оилаларга ёрдам кўрсатиш ҳам қарз, ҳам фарздор. Шунинг учун ушбу муқаддас ойда ҳар бир тadbиркор ўзи фаолият юритаётган ҳудудда ижтимоий ҳимояга мўхтож аҳолини, аввало маҳалла-дошларини, кўни-кўшнларини фаол қўллаб-қувватлаши мақсадга мувофиқ», дея таъкидлади.
Дарҳақиқат, ўз вақтида илгари сурилган бу ташаббус бугун кенг қулоч ёйиб, ҳар бир саховатпеша юртдошимиз эзгу аъмолига айланди, десак муболага бўлмайди. Муқаддас динимиз ҳам ҳар доим эзгуликни тарғиб қилган. Айниқса, Рамазон ойда меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат ва

ҳамжиҳатлик мўҳити янада мустақамланиб, хайрли амаллар кўлими янада кенгайди: кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар ҳолидан хабар олинади.
Чунончи, ҳадиси шарифда: «Агар умматларим Рамазон ойининг улари учун қанчалик шарофатли ва баракотли эканини яхши билганларида эди, йил-ўн икки ой рамазон бўлишини орзу қилар эдилар» (Имом Бухорий ривоятлари), деб марҳамат қилганлар.
Исом дини мўҳитида муҳасам бўлган барча фазилатлар асрлар оша башариётни ҳидоятга қорлаб келмоқда. Айниқса, муқаддас динимизнинг эзгулик, хайру саховат, меҳр-оқибат, муруват каби олижаноб ғоялари жамиятда ижтимоий адолатнинг қарор топишига хизмат қилмоқда.
Барча амаллар ниятларга кўра бўлишини ҳисобга олсак, бугунги кунда умумхалқ ҳаракатига айланган «Саховат ва кўмак» дастури кўпга ибрат бўлаётгани, мен ҳам хайрли ишга ўз ҳиссамни қўшайин, деган кишилар сафини кенгайтираётганига гувоҳ бўляпмиз. Садақани махфий тарзда қилиш керак экан, дея қўл қовуштириб ўтирганимизда ҳам эзгу ишлар давом этаверган эди. Бироқ бугунгидек кенг қўлаб касб этмас, кам таъминланган, боқувчи-

сини йўқотган оилалар, эҳтиёманд фуқароларга «Ҳомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш марказлари» томонидан миллиардлаб сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, тиббиёт воситалари етказиб берилмаган бўлар эди.
Аслини олганда, биз икки карра бахтимиз, икки карра саодатимиз. Бахтимиз шукри, Яратган бизга имон неъматига қўшиб, жаннатмонанд юртни Ватан айлади. Энг улус эот – Муҳаммад саллоҳу алайҳи ва салламга уммат қилди. Рамазон ойда биргина эзгу ишмизга ихлосимизга кўра ўндан то етти юз баробаргача ажр берилди. Ҳақиқий бахт, чинакам саодат шу эмасми?!
Рамазон ойда қилинган хайрли ишларга бошқа ойдагиларга нисбатан жуда кўп савоблар ёзилиши муборак ҳадиси шарифларда айтилган: «Умматим ҳар қайси ойда қилган бир яхши амали учун бир савоб олади. Аммо Рамазон ойда битта эзгу амал учун ўндан то етти юзгача ва ўндан ҳам зиёда ажр берилди. Фарз ибодатларининг биттаси учун бошқа ойларидаги етмишта фарзининг савоби, нафллари учун эса бошқа ойларидаги фарзининг савоби берилди».
Динимиз буюрган хайрли амалларга

узукка қўйилган кўздек ярашиб тушган саховат тadbирлари бугун ҳар қачонгидан ҳам кўпаяётганининг ҳикмати шукри, Аллоҳ таоло Қуръони каримда: «Аллоҳ йўлида молларини эҳсон қилувчилар (савобининг) мисоли гўё бир донга ўхшайдики, у ҳар бир бошоғида юзтадан дони бўлган еттита бошоғни ундириб чиқаради. Аллоҳ хоҳлаган кишиларга (савобини) янада кўпайтириб беради. Аллоҳ (карами) кенг ва билимдон зотдир» (Бақара сураси, 261-оят), деб марҳамат қилган.
Аллоҳ таоло бу мисол билан битта хайрли иш учун битта эмас, то 700 ва ўндан ортиқ савоб ато этиши мумкинлигини билдирмоқда.
Хулоса сифатида ушбу ҳадиси шарифни келтирмоқчимиз: «Саховат – бир дарахт. Унинг илдизлари жаннатда, шохлари дунёга тушиб туради. Кимки унинг шохидан ушласа, илдизлари (жаннат) сари тартади. Бахиллик ҳам бир дарахт. Унинг илдизлари дўзахда, шохлари ер юзиде бўлади. Унинг шохидан ушлаганларни ўз домига тартади».
Иброҳимжон ИНОМОВ, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари

МУАССИС: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini taхрир қийати:
Қудратилла РАФИҚОВ (Тахрир хайати раиси),
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайдулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Сухроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира КАРИМОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ,
(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Темура МАМАЖОНОВ,
(Бош муҳаррир ўринбосари – «Ishonch-Doverie» бўйича),
Меҳридин ШУКУРОВ,
(Маъсул қотиб – «Ishonch»),
Валентина МАРЦЕНЯК (Маъсул қотиб – «Ishonch-Doverie»)

Бош муҳаррир Ҳусан ЭРМАТОВ
Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73
www.ishonch.uz
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Қўриқлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти – (+998-99) 889-90-31
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-90-22
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-23
Тошкент вилояти – (+998-99) 889-90-44
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-90-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-90-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри тахририят нуқтан назаридан фарқлиниши мумкин.
Навбатчи муҳаррир: А.Абдурахмонов
Мусаҳҳилар: С.Шодиева, З.Холмухаммедова, Д.Орипов
Саҳифаловчи: Ҳ.Абдуҷалилов
Босишга топшириш вақти – 22:00
Топширилди – 03:20
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди.
Ҳажми 2 босма табақ.
Буюртма Г – 417.
30285 нусxada босилди.
Нашр қўрсаткичи: 133
1 2 3 4 5 6

Манзилмиз: 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz
Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Тахририят қўсбоқрамини: 2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Iropeka bank»
Яшнобод филиали,
Банк коди: 00959,
СТИР: 201133889,
ОКЗД: 58130

Камчиликлар бартараф этилади

«Ishonch» газетасининг 2020 йил 27 февралдаги сонида «Барчаси бадастир(ми) ёҳуд обод қишлоққа айланолмаётган гўшалар...» сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Унга Фарғона вилояти Халқ таълими бошқармасидан қуйидагича жавоб хати келди:

... Ушбу мақола Ўзбекистон тумани ХТБ мудири ҳузурида ўтказилган йиғилишда муҳокама қилиниб, тегишли чоралар белгиланди. Вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли мактаб таъминоти муассасасига парта, стол-стуллар, доска ва бошқа ўқув жиҳозлари учун буюртма берилди, буюртмалар етиб кел-

гунига қадар ички имкониятлардан келиб чиқиб, камчиликларни бартараф этиш белгиланганди.
Йиғилишда юқоридаги муаммага ўз вақтида эътибор қаратмагани учун тумандаги 56-мактаб директори ва директорнинг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари ўзларига тегишли хулоса чиқарганини маълум қилишди.

Фарғона вилояти Халқ таълими бошқармаси бошлиғи

Ф.Саҳибова



Бухоро вилояти
ҚАДРСИЗ «ҚАДР»
9 май – Хотира ва қадрлаш кунига тобора яқинлашиб келяпти. Юртимиз ва бутун жаҳонда юзага келган ҳозирги мураккаб эпидемиологик вазиятга қарамай, кекса авлод вакилларининг ҳурматини жойига қўйиш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар бардавом экани қувонарли.
Ёшларга фидойий ота-боболаримизнинг жасоратларини намуна сифатида кўрсатиш ҳам шу йўналишдаги ишлар сирасидандир. Бухоро шаҳридаги Аҳмад Дониш номидаги маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида айна шу ҳолис ниятда кўргазмалӣ восита ўрнатилди.
Аммо... масаланинг мана шу «аммо»си ҳам бор. Гап шундаки, ўша баннерда лотин ёзувида икки бора «qadrlash» деб ёзилган. Боз устига, унда тире ўрнига (дефис) чизиқча кетган. Мутасаддилар эзгу ишорлардан бирини «Keksalarni qadrlash – ona Vatanni qadrlash» дея имло ва орфография қоидаларига мувофиқ ёздиришганида она тилимизга нисбатан ҳам ҳурматларини кўрсатган бўлишарди. Зеро, барча сўзларимиз қатори «қадр» сўзининг ҳам қадрлари бор.
Рустам ИБРОҲИМОВ, «ISHONCH»

Луқма
Эълон
Қўриқлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти – (+998-99) 889-90-31
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-90-22
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-23
Тошкент вилояти – (+998-99) 889-90-44
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-90-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-90-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
Наманган вилояти ҳокимлигининг ягона буюртмачи инжиниринг компанияси қуйидаги объектларга тендер эълон қилади

Table with 5 columns: t/p, Объектлар номи, Бошланғич нархи ҚҚС билан сўм, Қурилиш муддати, dхарid.uz сайтида берилган ЛОТ рақами

Буюртмачи: Наманган вилояти ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси.
Манзил: Наманган шаҳар А.Темур кўчаси, 105 уй. Тел: 069-233-53-78, 069-233-06-11
Молиялаштириш манбаи: Давлат бюджет маблағи.
Тендер иштирокчилари иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлигига, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлиши шарт.
• Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва тендер ҳужжатлари билан танишиш учун буюртмачи тендер ташкилотчиси «SHAMS PUDRAT TANLOV SAVDO» МЧЖга қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин: Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 36-уй. Телефон/факс: 069-227-89-22, 99-396-10-37.
• Тасдиқланган тендер ҳужжатлари билан танишиш учун буюртмачи томонидан жойлаштирилган давлат харидлари бўйича маҳсулоти дхарid.uz порталдан юклаб олишлари мумкин.
• Мазкур объектларнинг тендери бўйича эълон dхарid.uz порталда 18.04.2020 кунги чоп этилган бўлиб, Вазирлар Маҳкамасининг 18.02.2020 кунги 91-сонли қарорига асосан, тендер ўтказиш санаси 15 кунга қисқарган ва тендер ўтказиш кунги 04.05.2020 кунига белгиланган. Таклиф (офёрталар) очилиши юқорида кўрсатилган буюртмачининг манзилида ўтказилади.
Лицензия АЛ-00663

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Бирлашган касаба уюшма кўмитаси Фанлар академияси Санъатшунослик институти профессори, тарих фанлари доктори, академик Эдвард Ртвеладзега турмуш ўртоғи
Лидия РТВЕЛАДЗЕНИНГ вафоти муносабати билан таъзия билдиради.